



UDC: 372.881.111.1:37.01:007

**Турсунмурод МАМАТҚОБИЛОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари  
Академияси, Гуманитар фанлар кафедраси с.ф.н., доцент*  
**Гуландом МИРХАНОВА,**  
*БухДУ ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи*

#### ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИНИНГ ЖАМИЯТГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Аннотация

Мақолада ижтимоий ва маърифий ишларни ташкил етишда тинчлик ва барқарорликнинг ўрни, шунингдек, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига тегишли бўлиш ҳисси билан яшаш ва ишлаш муҳимлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий ва маърифий ишлар, фуқаролик масъулияти, жамият, дахлдорлик туйғуси.

#### A SENSE OF CIVIC RESPONSIBILITY INVOLVED IN SOCIETY

Abstract

The article emphasizes the importance of the role of peace and stability in the organization of social and educational work, as well as the importance of living and working with a sense of belonging to every citizen of the country.

**Key words:** social and educational work, civic responsibility, society, sense of belonging.

#### ЧУВСТВО ГРАЖДАНСКОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ОБЩЕСТВЕ

Аннотация

В статье подчеркивается важность роли мира и стабильности в организации социальной и воспитательной работы, а также важность жизни и работы с чувством принадлежности к каждому гражданину страны.

**Ключевые слова:** социально-воспитательная работа, гражданская ответственность, общество, чувство принадлежности.

**Кириш.** Дунёда кейинги ўн йилликларда содир бўлаётган воқеа-ходисалар шуни қайта-қайта тасдиқламоқдаки, бирор жойда тўнтариш қилиш учун жиддий сабаб бўлиши шарт эмас экан. Ҳаразли ниятдаги кучлар шунга қасд қилса, бас. Бузғунчилик қилиш учун эса турли сиёсий найранг-у бахоналар топилади. Бу - бугунги замоннинг аччиқ ҳақиқати. Марказий Осиё минтақаси ҳам бундай хавф-хатарлардан холи эмас. Чунки заминимиз минерал ресурслар ва энергия манбаларига бой, ўта муҳим геостратегик маконда жойлашган. Шу боис минтақамизда янги хавф-хатарларнинг пайдо бўлишига бефарқ қараб бўлмайди. Ҳар кун, ҳар он хушёрлик, огоҳлик зарур. Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон табиий ресурсларга бой давлат. Бу бойликлардан бошқа бировлар биздан сўрамасдан фойдаланган замонлар ўтганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ўзини шу муқаддас Ватаннинг асл фарзанди деб билган юртдошимиз борки, энди бу неъматларни бировларга тутқазиб қўйишни ҳеч ҳам истамайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида: “Ўзбекистон Республикасини химоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар” деб қайд этилган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ўзбекистон тараққиётида жуда катта ўсиш суръатларига, бошқаларнинг ҳаваси, эътиборини тортадиган натижа ва марраларга эришмоқдамиз. “Чиндан ҳам, тинчлик бўлган жойда тараққиёт бўлади. Бир – бирини кўролмасдан гижгижлашган, низо-адоватга борган жамоада ҳам, эл-юртда ҳам ҳеч қачон ривожланиш, раванқ бўлмайди. Бу ҳақиқатни онгу шууримизга чуқур сингдириб, унинг кадр-қимматини унутмаслигимиз зарур”.

Бугунги глобаллашув ва модернизация жараёнида турли ахборотлар дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётган бир пайтда хушёрликка бўлган талаб ва

эҳтиёж бекиёс даражада ортиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда “Ўз уйингни ўзинг асра” даъвати асосида хушёрликни таъминлаш борасида қатор амалий ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар замирида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва савдо-иқтисодий масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, тобора юксалиб боришида тинчлик, барқарорлик ва инсонпарварлик тамойилига таянган ҳолда юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаёти, орзуси, дарду армонларини эътиборимиз марказига қўйишни ва бу борадаги вазифалар самарадорлигини оширишни, энг муҳим масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Айни ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан жойларда иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш, муҳтож инсонларга эътибор қаратиш масалалари, қабул қилинаётган давлат дастурларида ўз аксини топтоқда. Шунингдек, истиқболдаги режаларимизга мувофиқ, Ўзбекистон миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сонли қарори ва шу асосда жорий этилган Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясига мувофиқ “Ватан-муқаддас, уни химоя қилиш шарафли бурчдир!” ғояси илгари сурилди. Шунингдек, Қуролли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар жума куни “Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни” этиб белгиланганлиги замирида эса ҳарбий

хизматчиларнинг маънавий-рухий тайёргарлигини рағбатлантириб бориш лозимлиги белгиланган. Мақсад мамлакатимиз суверенлигини, ҳудудий яхлитлигини, халқимиз тинчлигини садоқат билан ҳимоя қилиш энг олий вазифа сифатида эътироф этилади.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Табиийки, халқ ва миллатнинг демократик кадриятлар асосида ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлардан Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларни ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак”<sup>1</sup> деган фикрлари ҳар биримизни катта масъулиятга ҳамда огоҳликка бошлайди.

Демак, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастури, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ёшлар-кељагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган ислохотларнинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, мазкур қарорнинг асосий ғоявий тамойилларида инсон омили юқори ўринга қўйилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Биз Президентимиз бошчилигида эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан бораётган Ўзбекистон сиёсатида, бутун эътибор жамият тараққиётига қаратилганлигига амин бўлдик. Давлат бошқарувини эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилишида жамоат ташкилотлари, сиёсий институтлар ва оммавий ахборот воситаларининг фаолияти бугунги жараёнлар билан ҳамроҳ бўлмоқда. Давлат ва унинг сиёсати фақат халқ манфаатига, мамлакат фуқаролари осойишталиги ва барқарор турмушини таъминлашга қаратилаётганлиги қабул қилинаётган қонунларда, Президент фармонлари ва қарорларида ўз ифодасини топмоқда ҳамда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса жамиятнинг моддий-маданий қиёфасини белгилаш билан бирга мамлакат фуқароларининг маънавий-маърифий, ахлоқий тафаккур ва дунёқарашига, рухий кечинмаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ана шунинг ўзи давлат билан фуқаро, ҳокимият билан аҳоли ўртасидаги муносабатларни адолатга таянган ҳолда уйғунлашиб кетиш имкониятини

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 8 декабр.

яратади. Халқ, давлат идораларига эмас, балки, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойил ҳаётга кенг татбиқ этиляпти. Суд-ҳуқуқ тизимида адолатга эришиш, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини таъминлаш масаласи ҳамда давлат органлари фаолиятига ҳолис баҳо бериш орқали инсон омилини юксалтириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” деб эълон қилинганлиги ҳамда сайёр суд мажлисларининг ўтказилаётганлиги, халқ билан очик ва самарали мулоқот олиб бориш тизимининг йўлга қўйилаётганлиги демократик принципларнинг амалда намоён бўлаётганлигидан далolat.

Таркибий ислохотлар қўламли янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодийни модернизациялаш, барқарор ва мутаносиблаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, инвестиция киритиш, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш, хусусий мулкчилик секторини мустаҳкамлаш ва бизнес учун қулай муҳитни янада яхшилаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг муҳим шарти сифатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда.

Эндilikда, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг охириги ўн кунлигида ўз сайловчилари билан учрашиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни қонуний ҳал этиш чоратадбирларини ишлаб чиқаётганлиги, ҳокимият вакиллари фуқароларнинг муурожаатларига бефарқ бўлмаётганлиги ҳам жамиятда юз бераётган ўзгаришларга инсонларнинг дахлдорлик хисси билан яшашига замин яратмоқда. Айни пайтда пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил давом эттириш, янги иш ўринларини яратишга муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Бутун юртимиз бўйлаб улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб, аҳоли учун намунали лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари барпо этилмоқда. Қайта тикланувчи электр манбалари, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминоти яхшиланаяпти. Бозор расталарларидаги мўл-кўлчилик, дастурхонимиз тўкин-сочинлигини айтмайсизми. Буларнинг барчаси, авваламбор, мустақиллигимиз, қолаверса, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик шарофатидан. Бу эса барчамизни фидойиликка ундамоқда.

Мамлакатимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланди. Юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортик миллат ва элат вакиллари 138 та миллий-маданий марказга бирлашиб, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида катта бир оиланинг фарзандларидек, тинч-тотув яшаб келмоқда. Дунёда глобализация жараёни кучайган, жаҳон миқёсида рақобат, ўзаро қарама-қаршилик тобора авж олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, прозелитизм ва “оммавий маданият” каби таҳдидлар кенгайиб бораётган ҳозирги замонда доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз керак. Мамлакатимиз чегаралари хавфсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговор салоҳиятини кучайтириш, навқирон йигитки зларимизни том маънода ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз даркор.

Шунингдек, бугунги пандемия даврида ижтимоий-сиёсат марказида давлатимизнинг ўзи турганлиги ва бунга ҳамкор сифатида халқимизнинг фидойи инсонлари

томонидан саховат ва кўмак тадбирларининг ташкил этилаётганлиги мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар тамойилида инсонпарварлик ҳислатларини намоян этади.

Айнан Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаси ўлароқ, буюк аждодларимиз – Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Бобур каби қахрамонларимизнинг кўрсатган жасоратини ҳарбий хизматчиларимизга доимо ўрناق сифатида кўрсатишдан биз доимо фахрланамиз

Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан анча такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговор қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ошди. Қисм ва бўлиналар замонавий қурол-яроғ ва жанговор техника

билан таъминланган. Қуролли Кучларнинг юксак жанговорлик қобилияти иқтисодий, сиёсий, стратегик ҳамда ҳарбий-техникавий ва илмий куч-қудратини ривожлантириш орқали Ўзбекистон халқининг жипслиги ва ҳар бир фуқарони ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг муҳим принципи ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса сифатида шуни қайд этиш керакки, ҳарбий соҳадаги кенг қўламли амалга оширилаётган ишлар туфайли қатъий интизом, маънавий-маърифий тафаккур юксалади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Зеро, юксак фуқаролик масъулиятининг жамиятга дахлдорлик туйғуси билан уйғунлашуви буюк мақсадларимизнинг амалга ошишида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг “Мустақиллик – барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқу в қўлланма. Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2013. 84- бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2014. 18-бет.
3. Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013. 30- бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 8 декабр.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда имзоланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 8 феврал.
6. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. –Т.: Ўзбекистон. 2017. 117 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 25 январь.
8. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 53 бет.



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2021  
1/4**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

**Сағдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Ҳ.** – т.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д., проф.

**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Тўхтаев Х.П.** – ф.ф.н., доц.

**Болтабоев Ҳ.** – фил.ф.д., проф.

**Раҳмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Ширинова Р.Х.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2021**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

- Алимджанов Б. История деятельности маргеланского отделения русско-азиатского коммерческого банка.....
- Гофуров Х. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизими ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....
- Мачин Г. Н.А. Мухитдинов и основы новой советской восточной политики (штрихи к политическому портрету) .....
- Нурметов И. Иқлим ўзгариши, ерларнинг чўлланиши ва деградациясининг олдини олишда Ўзбекистон Республикасининг иштироки .....
- Ражабова Р. Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асарининг илмий таҳлили.....
- Саидахматов Ш. Термиз шаҳрида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ривож: натижалар ва муаммолар.....

### Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

- Амонов Х. Географияни ўқитишда фойдаланиладиган модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.....
- Бованова У. Ўқувчи ёшларнинг экологик маданиятини шакллантириш ва экологик тарбиянинг долзарб масалалари.....
- Газиев З. Сўфи Оллоёр меросини ўрганишда тарихни диалектик маданий тушунишнинг аҳамияти.....
- Закирова Д. Оила ва жамиятда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлардаги тақиклар.....
- Замилова Р. Дидактические аспекты использования информационных технологий в организации самостоятельной работы будущих учителей истории.....
- Зиявутдинова Х. Оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг оқибатлари.....
- Ibragimova O. Maktabgacha yoshdagi bolalarni ta'lim jarayoniga ijtimoiy-psixologik moslashuvi.....
- Иноятова С. Глобал инкироз шароитида оилавий муносабатларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.....
- Исроилова Д. Нопилологик олий таълим муассасаларида маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантиришнинг назарий асослари.....
- Қодирова О. Замонавий таълим муҳитида бўлажак мутахассислар эмоционал интеллектни ривожлантиришнинг психологик ва педагогик детерминантлари.....
- Мажидов О. Оила - фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва ёш авлодни маънавий тарбиялаш омили.....
- Маматқобилов Т., Мирханова Г. Фуқаролик масъулиятининг жамиятга дахлдорлик туйғуси.....
- Мамурова Ф. Формирование профессиональных качеств будущих инженеров-строителей на основе компетентностного подхода.....
- Махмасобирова Ю. Халқаро муносабатларда давлатлараро ҳамкорлик тушунчасининг категориявий таҳлили.....
- Муллаев Б. Модулли таълимда маслаҳатлар тизими ва таълим инновациялари.....
- Nosirova N. National traditions – as a factor in the education of youth.....
- Parmonov B. Maktabgacha yoshdagi bolalarda axloqiy munosabatni shakllantirishning psixologik shartlari.....
- Рахманов А. Факторы повышения предпринимательской активности молодежи в процессе модернизации общества.....
- Рахматов Д. Аждодлар меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда инновацион ёндашув: «мерос» мобил иловаси.....
- Самигова К. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда диққатни барқарорлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....
- Сулайманова Д. Информатика дарсларида медиатеكنولوجياлардан фойдаланиш орқали ўқувчилар фаоллигини ошириш.....
- Sodiqov S. Pedagogik texnologiyalar yordamida integrallashgan ma'lumotlar bazasini boshqarish algoritmlarini o'qitish tushunchalari.....
- Temirov N. Umumiy kimyoni o'qitishda fanlararo integratsiya orqali fanga oid kompetensiyalarni shakllanishi.....
- Тулаганов Д., Шахмурова Г. Воспитание экологического мировоззрения посредством компьютерных и мобильных игровых технологий.....
- Turdiyeva R., Rabbimqulov F. Umumta'lim maktablarining boshlang'ich sinf o'quvchilarida kreativ yondashuvlar asosida ijodiy ko'nikmalarini shakllantirish.....
- Улмасова Д. Эмоционал интеллектга оид ёндашувларнинг назарий таҳлили.....
- Хаударов В., уюқори malakali nayza uloqtiruvchi sportchilarning musobaqa natijalarini tahlili.....
- Хайдарова Х. Ахборотлашган жамият шароитида ота-оналарнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш...
- Hazratkulov Sh. Jamiyat taraqqiyotida ijtimoiy siyosatning o'rni va roli.....
- Shernazarov I., Salixova M. Kimyo o'qituvchilarini xalqaro baholashdagi pisa tadqiqotiga tayyorlashda tabiiy savodxonligini oshirish metodikasi.....
- Шоймардонов Т., Закирова Ф., Адашбоев Ш., Буриев Э., Гайсёнок В., Наумович О. Проектирование содержания курсов повышения квалификации педагогических кадров по направлению «цифровые технологии в образовании».....
- Юсупова Ш. Оммавий онлайн очик курслар ва унинг турлари.....
- Yusufaliyeva G., Utanbayeva D., Bektemirova Z. Boshlang'ich sinflarda o'tiladigan darslarni integrativ yondashuv asosida tashkil etish faoliyatini rejalashtirish va qo'llash usullari orqali o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish.....
- Yaxiyaxonova M. Ta'lim sifatini oshirishda raqamli texnologiyalarning samaradorligi.....

### Филология

- Abjalova M., Erkinov F. Elektron lug'at va kiberleksikografiya.....
- Allanazarova S. Zamonaviy kompyuter tilshunosligi va sentiment tahlili.....
- Amonova D. Translation and adaptation in literature.....
- Ziyatova N. O'zbek mentalitetida qadriyatlar va ularning lingvokulturologik talqini (o'tkir hoshimovning "ikki eshik orasi" asari asosida).....
- Israilova D., Shorasulova A. Structural-semantic features of proverbs: verbalization of a constant human appearance in the russian and english languages.....
- Имяминова Ш., Казакова Л. Немисча-русча ҳарбий терминлар лугатларининг яратилиши тарихидан.....
- Назарова С. Ўзбек ва англиз тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг шаклланишига ретроспектив назар...
- Оманова М. Эркин самандарнинг “тангри кудуги” тарихий романида эпик қахрамон тасвири.....
- Турамурадова И. Метафора как способ выражения антропоморфизма в поэзии федерико гарсиа лорки.....
- Хўжамуродова О. Ўзбек тилининг гулчилик лексикасида аффиксация усули билан сўз ясалиши.....
- Юлдашева Д. Теоретико-методологические основы современных исследований лингвометодических учений.....